

2022-yil 7-iyul, payshanba

№ 25 (9189)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

БИЗНИ ЯГОНА, УЛУФ МАҚСАД БИРЛАШТИРАДИ

Бундан 32 йил муқаддам Қорақалпогистонга оддий спорти сифатида илк марта борганиман. Ушандан менга нуфузли мусобақада голиб бўлиб қайтиши баҳти наисб этган. Шу-шу қорақалпок заминига, меҳнаткаш ва меҳмондўст одамларига меҳрим баланд, уларни юксак қадрлайман.

Ўйлаб қарасам, кейнинг 30 йилда Қорақалпогистонга деярли ҳар йили 2 марта борибман. Бу ҳам бўлса, қорақалпок заминига, одамларига меҳрим, муҳабатимдан, десам муболага бўлмайди.

Қорақалпогистонда жуда кўплаб ижодкор, журналист дўстларим бор. Улар ўз элининг асл фарзандлари, ижтимоий ҳаётда фаол, эзгу мақсадлар сари интилади, биринч навбатда, ҳалқининг келажагини ўйлайдиган ҳақиқат ватанпарварларид.

Қорақалпогистоннинг ривожланиши, янада юқалиши йўлида бор кучини, хизматини аямайди. Хусусан, улар Қорақалпогистонни ардоқлааб, Орол тақдирига қайғуриб, оддий қорақалпок меҳнаткашларни эъзолаз, қаниндан-канча очерклар, мақолалар, асарлар битган.

Қорақалпогистонга ҳар гал борганимда ушбу ижодкорлар, маданият, санъат, маънавият соҳаси вакиллари билан мулокотларда қорақалпок ҳалқининг, шу заминда умргузаронлик килаётган фуқароларнинг

Ватанган бўлган муҳаббати, унинг ёруғ, буюк келажаги йўлидаги орзу-интилишларини юракдан хис этаман.

Яқинда Нукусда содир этилган тартибизликлар, бир гурӯҳ сепаратистлар ва уларнинг алмойи-алжойи қақирикли, бу қорақалпок ҳалқини фиқри ёки истаги эмас, буни барчамиз яхши англаймиз.

Бугун бизнинг қорақалпогистонлик ҳамкасларимиз синовли кунларда аҳолини фитналарга, ёлғон гап-сўзларга ишонмаслика учанди, одамларга тўғри ахборотни беришда фаоллик кўрсатиши керак. Мен уларни шунга қақираман.

Қорақалпок зиёлилари, журналистларини тинчлик ва осоишталини таъминлаш, Янги Ўзбекистонни ривожлантиришига борасидаги саъи-харакатларда, бунёдкорлик ишларидаги фаоллик кўрсатиши, испоҳотлардан бир қадам олдинда юришга қақираман.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси
раиси.
ЎЗА

“ҲЕЧ КИМ ЎЗ ХОҲИШИГА ҚАРШИ ГУВОҲЛИК БЕРИШГА МАЖБУР ЭМАС”

Мамлакатимизда амалга оширилаётган көн кўламли испоҳотлар, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи ўзғаришлар, инсон қадрими улуғлаш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган барча саъи-ҳаракатлар адолатли жамият ва ижтимоий давлат барпо этишига қаратилганди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан испоҳотлар замидира олди. Конституциямиз мустаҳкам пойдөвр эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Янги испоҳотлар шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

нинг олий қадрият сифатида эътироф этилиши, давлат органларининг ҳалқ манбаатларига хизмат килиши тараққиётимизнинг юксалиш мезонини белгилаб берувчи мухим омилдир.

(Давоми 2-саҳифада)

БИОЛОГИК УСУЛ – ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

Самарқандда кўпни кўрган, тажрибали деҳқонлар кўплаб топилади. Гўза парваришида белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишида уларнинг тажрибаси қўл келмоқда.

2>

СЕНАТНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ 8 ИЮЛЬ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.



Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борган йигилишда Сенатнинг йигирма саккизинчи ялпи мажлисими 2022 йил 8 июль куни чакириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этилганидек, видеоконференц-алоқа шаклида бўлиб ўтадиган ялпи мажлис доирасида бир қатор масалалар кўриб чиқилади.

Жумладан, “Солик маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига кўшимча ва ўзартишлар киритиш тўғрисида”ги

қонунлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича икроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ёшиши таъминлаштирилган.

Шунингдек, сенаторлар дарёлар ўзанларини тозалаш ва қироқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қизиб олишининг атроф-муҳих, сув ва ўйл ҳўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида махаллиялаштириш дастурларининг ижроси юза-

сидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровларини юбориш масалалари муҳокама қилинади.

Ялпи мажлиса экспорт ҳажмининг баркарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигиги таъминлаш ҳолати, шунингдек, ҳомиладор ва репродуктив ўшдаги ҳамда ўзбекларга кўрсатилётган тибий ёрдам ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари кўриб чиқилади.

ЎЗА

ЁРДАЧИ ҲЎЖАЛИКДАН 600 МИЛЛИОН СҮМ ДАРОМАД

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ

3>

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКTLARНИ НОМЛАШ БУ – ТАРИХ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ САНАЛАДИ

Президентимиз шу йил 5 майда тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизматини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йигилишида 10 мингта кўчага ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйиш бўйича топшириқ берган эди.

Шу муносабат билан Қонунчилик палатасининг бир гурӯҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган “Географик объектларнинг номлари таъкидидаги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўшимчалар ва ўзгартиши киритиш хақида”ги қонун лойиҳасига кўра, махаллалар, шоҳкӯчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хўйёнларга Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чукур из колдириган шахсларнинг исми-шиарини бериш механизмлари тартибига солинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиши тўғрисидаги таклифларни тайёрлашда мазкур географик объект жойлашган худудда яшовчи махаллий шахсларни киритиш хақида”ги қонун лойиҳасини, таъкидидаги тўғрисида”ги қонун лойиҳасига шундай мезонни киритиш шарти билан фракция аъзолари лойиҳани иккичи ўқишида кўллаб-кувватлади.

Шунингдек, йигилишида депутатлар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишилар киритиш хақида”ги қонун лойиҳасини, таъкидидаги тўғрисида”ги қонун лойиҳасига қабул қилинса, ёшга доир пенсия мидорни яна 400 минг сўмгача ошади.

Фракция аъзолари мухокамалардан сўнг ушбу қонун лойиҳасини мъқулладилар.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.

Соғлиқ – ўзимизга боғлиқ

ҚУЛИНГИЗНИ ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРГА УЗАТМАНГ!

Бугун айни пишиқчилик. Бозор расталарию дастурхонларимиз ёз неъматлари билан тўла. Тўкин-сочинлик. Сархиҳ мевалару қовун-тарвузлар...

Саховатли заминимизда этиштирилган бу дармондори маҳсулотларни бугун тўйиб ейшишимиз керак. Ҳадемай, пишиқчилик ҳам охирлаб, мева-чевалар ҳам тортилиб қолади. Демак, ҳозир айни вақти. Янги узилган мева дейсизми, ундан тайёрланган хушӯр шарбат дейсизим, бугун мўл-кўл. Шундай тўкин-сочинликда, мева-чевалар гарк пишган паллада бир муҳоза хаёлимга келди. Соглиқ учун кони фойда бўлган шунча меваларимиз турганида улардан чанқоности шарбатлар тайёрлаб ичиш ўрнига нега саломатлик учун кони зарар бўлган энергетик ичимликларга ёлишами? Ахир, уларнинг турган битгани зарар эканлигини барчамиз яхши биламишку. Шундай бўлсада турли номдаги салқин энергетик ичимликларга чопамиз. Афсуски, бугун уларнинг савдоси авжиди. Энг ачиниарлиси, ёй болалар ҳам бу ичимликларни тўхтовсиз иштеймол килмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИГА ЕТИ МИНГ ТОННАГА ЯҚИН СҮОЛТИРИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН

Навоий вилоятида 101 минг 293 истеъмолчига маший баллон ҳамда қувурлар орқали сүољтирилган газ етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигига уларга 6 минг 904 тонна сүољтирилган газ етказиб берилган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида вилоят бўйича 424 та янги истеъмолчи билан ижара шартномаси тузилиб, шу асосида газ таъминоти бўлимлари томонидан маший газ баллонлар етказиб берилган. Рўйхатга янги киритилган истеъмолчиларга таъминот харири учун ID-карта ҳам тақдим қилинган.

– Суюлтирилган газ таъминотини янада яхшилаш мақсадида “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурларига киритилган махаллаларга кўшимча маший газ баллонлар етказиб берилмоқда, – дейдай Филиали директори ўринбосари Яшин Жониев. – Шу билан бирга аҳолининг таъминотга бўлган эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда куз-киш мавсумида вилоят аҳолисига етказиладиган суюлтирилган газ режаси ишлаб чиқилган. Ҳар бир худуддаги истеъмолчиларни сони ва эҳтиёжига қараб фонд ажратилади. Вилоят аҳолисига бир ойда ўртача 2920 та маший баллон орқали “айланма” усулада хизмат кўрсатилиб, 1000 тоннадан ортиқ суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

Истеъмолчиларга янада кулагай яратиш максадида “Худудгаётасинот” АЖ томонидан аҳолига суюлтирилган газ етказиб берилган. Ўнга кўра, оила аъзолари кўп бўлган ва рўйхатдан ўтган ўй хўжаликлари энди белгиланган муддатда ўз ID-карталари орқали иккι маротаба газ олишлари мумкин.

Бундан ташқари, янги истеъмолчиларни рўйхатдан ўтказишида хонаондона хавфсизлик қоидалари, ошхона ва газ жиҳозларининг белгиланган талабларга мос келишига алоҳида эътибор қаралади. Газ баллони ишга тушириш ва созлаз хизмати учун тўлов амалга оширилганда сунг ўрнатилган тартибида шартнома тузилиб, тасдиқланган жадвал асосида манзилга суюлтирилган газ етказиб берилади.

А.БУРИЕВ,
ЎЗА мухбири.



Энергетик ичимликлар
У фақат танамиздаги захиралар құлғини очиб беради



БИОЛОГИК УСУЛ – ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Айни кунлардаги қүш ҳарораты эса гүза нижоллари ривожланиши, мұл ҳосил етиштирища жуда күл келеді. Буни яхши англаган дәхқонлар мавжуд 75 мин 356 гектар ер майдондаги гүза агротехникасын үз вактида, оптималь вариантында

ва сифатлы үтказышмоды. Амалға оширилаёттан агротехник табдирлар агроЭкспекцияның вилоят башқармасы ва туманлар бўлимлари томонидан кунлик таҳлил этиб борилмоқда.

Жорий йилининг 28 июнь куни Президентимиз раислигида пахта ҳо-

силдорлариги ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-табдирлари юзасидан үтказилган видеоселектор йигилишида агар соҳага замонавий инновациянин технологияларини жорий этиш юзасидан кечиришиб бўлмайдиган вазифалар белгилаб берилди.



ЁРДАЧИ ҲҰЖАЛИКДАН 600 МИЛЛИОН СҮМ ДАРОМАД

(Боши 1-саҳифада)

– Ҳозир ёз неъматлари фарқ пишган, – дейди башқарма ходими Зулфияхон Нурматова. – Биргина Турксарой гидроочисткасида ёрдами хұжалик ерларда етиширилган ёз неъматларидан шу ерда ишловчи 10 ходимнини оила аъзолари баҳраманд бўлаётir. Уларга тарқатилгандан ортани идора ходимларира улашилди. Ва яна тушлик учун тайёрланадиган овқатта ҳам анчаси масаллик сифатида ғамлаб кўйилди. Участка ёрдамчи хұжалигидаги экинларга қаровчи ишчи-ходимларни доимо кўллаб-куватлаб турди. Сувилар бу ерда ишлабтандаридан хурсанд, уйларига мана бундан ёз неъматларинин кириб бориши хурсандчилек келтирипти-да. Қалампир, помидор, бодринг,

тарвуз, ловия ва бошқа экинлар ҳосили жуда мұл бўлди. Бокилаёттан чорва ҳайвонлари ҳам байрамларда ишиларни гўшт билан таъминлаш имконини беради.

Бошқарма бослиги Илхомжон Ҳошимов тадбиркор раҳбар. Ўтган йил қишилласида буш турган хоналардан бир нечаси сифатли таъмирдан чиқартираётганида кўчиллик ҳайрон бўлишганди. Кўнглиятимиздан 400 миллион сўм даромад олган эдик. Бу йил тармоклар турини кўпайтирилди ва шунинг ҳисобига 600 миллион сўм даромад оламиз, деб турибизм. Ёрдами хұжаликдан олган даромадимиз ишчи ва ходимларимизнинг дам олишига, тўйларига, табдилларга, юбелейларга сарф килинаётir...

Ҳамиджон БУРҲНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

“ҲЕЧ КИМ ЎЗ ҲОҲИШИГА ҚАРШИ ГУВОҲЛИК БЕРИШГА МАЖБУР ЭМАС”

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хокимият билан шахснинг ўзаро муносабатларини, давлат органлари тизиминин фоалият юритишини, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, жамиятнинг бошча ижтимоий тузилмалари ҳолатини белгилови асосий қоидаларини мужассам этган асосий қонундир. Дунёдаги ривожланган демократия давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва конунг ҳуқуқларни қарши гувоҳлик берисида мажбур эмас”,

дикланган ҳужжатда ҳам ҳеч ким ўз ҳоҳишига қарши гувоҳлик берисида мажбур эмаслиги белгиланган. Ушбу ҳужжатга асосан ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахснинг инсоний қадр-кимматини хурмат қилиши, ҳуқуқларни амалга ошириш каби принциплар белгиланган.

Шундай экан мамлакатимизда қонун устуверлигини таъминлашни янги босичга олиб чиқиш борасидаги изчил ислоҳатларимизни давом этириб, биш комусимизга “Ҳеч бир шахс қонунда белгиланган яки қариндошларига ҳарши гувоҳлик берисида мажбур эмас”, деган гояни сингдириш мақсадга мувофиқидир. Бу билан ҳалқаро ҳуқуқнинг умумётроф этилган нормаларини миллий қонунчилигимизга сингдириш билан бир қаторда, кўп миллатли мамлакатимизда истиқомат қилаётган барчанинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий кафолатини яна бир бор мустаҳкамлашга эришган бўламиз.

А.ПАЙЗИЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети катта ўқитувчisi.

ПАХТА МАЙДОНЛАРИНИНГ 1 ГЕКТАРИГА 1 МИЛЛИОН СҮМДАН СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишил қарори билан пахта майдонларида турпрак унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник табдирлар учун субсидия ақратиши тартиби тўғрисидаги вақтнчалик низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, пахта майдонларида турпрак унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник табдирлар учун 13 та тумандаги ердан фойдаланувчиларга ҳар бир гектар майдонга 1 миллион сўм субсидия берилади.

Ердан фойдаланувчилар кишилек ҳұжалиги бўлинмасига “Агросубсидия” ахборот тизими орқали субсидия олувлучилар рўйхатига киритиш учун 2022 йил 25 июлягача ариза билан мурожаат килади.

Қишлоқ ҳұжалиги бўлинмасига аризаларга асосан 2022 йил 1 августрасида ердан фойдаланувчиларнинг номи, манзили, пахта майдони тўғрисидаги маълумотларни ўзи чигра олган рўйхатига вилоят ҳокимликларига тақдим этади.

Ҳокимликлар 2022 йил 5 августрасида ердан фойдаланувчилар рўйхатини тасдиқайди.

Молия вазирлиги Давлат статистика кўмитасининг маълумотига асосан пахта ҳосилдорлиги аввалги йилга нисбатан 15 foizi ёки ундан кўп миқдорда ошганда, субсидиянинг қолган 30 foiziни 2023 йил 20 декабргача ердан фойдаланувчиларнинг ҳисоб варагига тўқизиб беради.

Ушбу вақтнчалик низом 2024 йил 1 январгача амал қиласи.

«Эълон

“ТОШКЕНТ МИНТАҚА” МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида үтказиладиган очиқ аукциони савдосига таклиф этади!

О’збекистон Республикаси “Issiqlik elektr stansiyalari” AJ Toshkent “Issiqlik elektr stansiyasi” Айнинг 2022 йил 6 июнда №04-30/26 сонни бўйрманомасига асосан, Ташкент вилояти Кифай тумани Салар Toshkent “Issiqlik elektr stansiyasi” AJ да сакланадетан 1 “Зил 130” АГП 22 руслами Давлат рагами 10/407 КАА 1987-йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси 98 072 000 сум бўлган автотранспорти восита аукцион савдосига кўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2022 йил 8 август куни соат 11:00 да бўлбайтилди. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача кабул үргилини (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни кабул қилишининг охри муддати: 2022 йил 5 август соат 16:00. Автотранспорти восита 2022 йил 8 август куни сотимиган тақдиди, тақориб савдоси 15 ва 22 август кунлари 11:00 да үтказилади. Аризаларни кабул қилишининг охри муддати 1 кун аввал. Садо гопибига 10 бин куни ичада сотувни олиди-содди шартномасини тузиш мажбуриятни юкатилиди. Голиги харидор сотилиш баҳосидан 5 foizи савдага тақсилотига тўлаб беради. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 физида кам бўлмаган миқдорда зоҳалат пулни АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, x#20208000405363013002 МФО: 01136, СТИР:308305364 тўлайди. Аризаларни кабул қилиш ва савдо үтказиш манзили: Ташкент шаҳри Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-йд. 71 233-28-52. 90 358-38-07. Гувоҳнома №965941

Кутлов

Қадрли ватандошлар!

Барчамизга маълумки, Қурбон ҳайти байрами ўзига хос мазмун-моҳиятга эга бўлиб, бунда барча бирдай шодланар экан. Боиси, имкони борлар қурбонлик қилиб, одамларга ҳадялар улашиб, егуликлар инъом этиб шодланса, қўли юпқа кишилар ана шу эҳсонлардан, қурбонликлардан баҳраманд бўлиб қувонар экан. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз бу байрамни улуг байрам сифатида кенг нишонлаб келишади. Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам мамлакатимиз халқини, касбдошларимизни ушбу айём билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Хонадонларингизга қут-барака, шоду хуррамлик тилаймиз. Ҳамиша ээгу амаллар ҳамроҳингиз бўлиб, ишларингизнинг ривожини берсин!

**“ФАРГОНАСУВҚУРИЛИШИНВЕСТ”
ДАВЛАТ МУАССАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА МЕҲНАТ ЖАМОАСИ**

Янгилик кенг қулоч ёймоқда



Андижон вилояти



Ўзгариш сари ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Иқлим ўзгаришида юз бераётган жиҳатлар боис сувдан самарали фойдаланиш тақозо этилаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Избоскан туманидаги "Мавлонбек пахтазори" фермер хўжалигига бўлганимизда сув тежовчи технологиянинг ғўза парваришидаги ўрни борлигини кўрдик.

Хўжалик раҳбари Мавлонбек Нурматов худуддаги энг ёш фермерлардан. У дехқонлик сирларини ўрганиш ва ўз даласида жорий қилиши ортидан натижка борасида пешлик қилмоқда. Ўтган йил якуни бўйича эришилган борликалар бунини ишботи бўлади.

Сўнгги уч йилда ғўза, ғалла, сабзавот ва боғдорчилик йўналишида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва рағбатлантириш борасида берилётган кўмак фермерлар эътиборини тортмоқда. Мавлонбек ҳам бу янгиликни жорий этишига бен бояпдади. У пудратчидан технологик жиҳозларни харид қилиб олди ва созлаш ишларини узоқ йиллар хўжалиқда бош мухандис бўлиб ишлаган отаси Сирожиддин

Нурматовнинг йўл-йўрүклари асосида олиб борди. Айтиша осон, оз эмас 45 гектар майдонда томчилатиб сугоришни ташкил этиш саломоқи маబаг ва залворли меҳнатни тақозо этади. Хозирда янгиликни кенг майдонда жорий этиши борасида Мавлонбек вилоятда машҳур "Оқсув" фермер хўжалигидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ерга чигит тушганидан бўён ҳозирга қадар далага техника кирилтмади. Ўтиглаш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг барчаси сув билан бирга ғўза томирига етказиб берилётади. Янгиликнинг иқтисодий самарадорлигини обдон ўз даласи мисолида кўраётган Мавлонбек жорий йилда пахта ҳосилдорлигини камида гектар

хисобига 10 центнердан оширишни мўлжалга олган.

Ғўзаларнинг бўй-басти бир хил, шона олиш, гулга айланиш ва кўсак яратилиши узвий тарзда бормоқда. Ҳар ишда тежамкорлик мавжудлиги дала қўринишда намоён бўлаётганинг кун сайин кўзга ташланмоқда. Технологик жиҳозларни пудратчидан харид қилиши ва ўз куни билан созлаши ортидан эса гектар хисобига харажатлар 9 миллионнинг сўмга қискарди. Ҳукумат томонидан ажратилган субсидия ва ер солиги бўйича берилган имтиёз мавжудлиги эса килинган харажатларни бир мавсумдаёк оқлашидан хабар бериб турибди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбира.



Наманган вилояти

Фосиқларга эргашманг!

Бугун мусулмон оламида "мехмон бўлиб турган" Зулҳижжа ойи ҳижрий-қамарий сананинг охирги, ўн иккинчи ойи ҳисобланади. Динимизда 4 ой уриш ҳаром қилинган ойларнинг биридир. Булар – Муҳаррам, Ражаб, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойларидир.

Мўмин-мусулмонлар ушбу ойларни қадрлаши ва албатта, ёззозлаши керак. Яъни, бу ойларда имкон қадар нафл ибодатларни кўпайтириш орқали Аллоҳга қурбат ҳосил қилишик, қийналган оилаларга ёрдам кўрсатиш, беморлар холидан хабар олиш, қариндош-урӯғларни ўйқлаш лозим бўлади. Хусусан, Зулҳижжа ойининг аввалиг ўн куни Ашри Зулҳижжа дейилиб, ушбу кунларда қилинадиган савобли амаллар ажри жуда ҳам улғидир. Абу Саид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳу соллаллоҳу алайхи ва саллам бўйича ҳам бўладиган, бандаларнинг кўплаб гуноҳлари кечириладиган ва дуопари қабул бўладиган кундир. Арафа куни тутиглан рўзаси иккى йиллик гуноҳларнинг магфират қилинишига сабаб бўлади. Бу ойда тутиглан рўза улғ ахрарларга мушариф этади. Набий соллаллоҳу алайхи ва саллам: "Арафа кунининг рўзаси ўзидан аввалиг бир йиль ва ўзидан кейинги бир йильнинг гуноҳларига каффорат бўлишини Аллоҳдан умид

қилиман", деганлар (Имом Муслим ривояти). Арафа куни қадрятларнинг хос кўни-кўшни, яқинларга ош улашилади. Бу инсонларнинг бири-бирига бўлган меҳру муҳаббатини янада мустақам қиласди. Қадрятларнинг бардавомлигини таъминлайди, иншооллоҳ.

Юқорида таъқидланганник, мусулмон дунёсида Зулҳижжа ойида нафақат ушиши, инсон кўнглигига озор етказувчи сўзларни айтиш ҳам гуноҳ ҳисобланган. Шу ўринда, яқинда Қорақалпогистонда юз берган кўнгилсизликлар, азандан аҳилинок умр кечириб келаётган ҳалқларнинг тинчлигига раҳна солмоқи бўлган нопок кимсаларнинг хатти-характари баризида қартилаётган эътибор, яратилаётган шароит, имтиёзлар барчамизга эмрин-эркин амалларни бажаришилик таъмин этади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни мусулмон оламининг энг улғ шодиёнаси – Курбон ҳайити байрами билан қалбимдан муборакбод этиб қолмадан. Яратгандан аҳил ҳалқимизга барча соҳаларда бардавомлик, тинчлиги осойиштапик, дастурхонларнинг тўкиниллилк иштагандан сўраб қолмади.

**Муҳаммадшоқир
БОБОҲЎЖАЕВ,**
Норин туманидаги
"Умархўжа эшон" масжиди
имом хатими.

Эълон

"МАҲАМ-ЧИРЧИҚ"

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЛТИ ВАКОЛАТЛИ ОМБОРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Maxam-Chirchiq" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган минерал ўйтілар ва бошқа махсулотларни вактичалик сақлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузишда тадбиркорлик субъектлари ва бошқа талабгор корхоналар уртасида тенг рақобатбардошлик жараёнининг холис ва шаффо ўтказилишини таъминлаш максадида, корхонада ваколатли омборларни ташкил қилиши танлов асосида ўткалишини эълон қиласди.

Ваколатли омбор танловида иштирок этиши учун зарур ҳужжатлар ва қўйиладиган талаблар ҳақида тўлиқ маълумотларни кўйидаги веб-сайтдан олишингиз мумкин: (www.maxam-chirchiq.uz)

Маълумот олиш учун мансиз: Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Тошкент кўчаси 2-үй.
Телефон: +998 (70)719-33-23.
E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

Кутлов

**Тошкент вилояти
йўллардан мунтазам
фойдаланиш**
корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни
Курбон ҳайити муносабати
билин табриклайди.
Ушбу улуғ айём кунлари
барчага мустаҳкам соғлик,
хотиржамлик, касбу
корларига барака тилайди.
Курбон ҳайитининг мазмун-
моҳиятида мужассам бўлган
инсонпарварлик, эзгулик,
шукроналик ва
мехр-оқибат сингари анъана
ва қадриятларимиз
доимо дилларимизни
мунаввар айласин!

**Сирдарё-Сўх Итхб
таркибидаги Сўх-Оқтепа
ирригация тизими
бошқармаси меҳнат жамоаси**

халқимизни муборак Курбон ҳайити байрами
муносабати билан самимий қўмлашди.
Длоҳим, хонагонларимиз қўм-баракага.
Қубончу шодлиқка тўлсан, дунёмиз тинч бўлсан!
Паллоҳим юртимизни турли баҳо-қазолардан асрасин!

**Бу юртда булбуллар қўшиғи мангу,
Диллардан кетмагай муқаддас туйғу.**

ДУНЁДА ЯГОНА ЎЗБЕКИСТОНИМ

Тикон кирса, киприк ила олайин,
Кучогингда ўлсам мангу қолайин.
Отилса ўқ, юрагимга санчилар,
Ёв келса гар, қўлларимда янчилар.

Эй! Менинг Ватанини шуҳрату шоним,
Сенга баҳшидадир шу ширин жоним.
Бир умр мадҳингни куйлайман Ватан.
Мени эъзозлаган жон Ўзбекистон.

Баралла мадҳингни куйлайман бугун.
Эй Аллоҳ назари тушган Ватанини.
Ҳамиша тайёрман, хизматиниң учун,
Сенга фидо бўлсин шу жону таним.

Шоирларин эъзозлаган юртимсан,
Ҳамма юртдан ўзинг аъло фахримсан.
Азиз юртим сен доимо омон бўл,
Мавлуданинг қалбидаги меҳрисан.

УМИД

Қўзларингга кўзмунчоқ бўйлай,
Юракдаги дардларини олай.
Соғингандা, ёнингга борай,
Тушларимга киравмикансан!

Келарсан, деб, ўўлингга чиқсан,
Сабрим етмай, кўзларим тиксан.
Юрагингга лолалар эксан,
Соғинганни билармикансан?

Япроқлардай тўқилар аста,
Тўйгуларим бемажол, ҳаста.
Тузалардим келсан, бир пастда,
Сен ҳам висол тилармикансан?

Қайлардасан оҳу кўзлигим,
Мехрибоним-ширин сўзлигим.
Соғингингда сарғайди юзим,
Келгил, десам, келармикансан?

Тунлар бедор бўлиб ўигласам,
Тополмасдан кунглимга маъҳам.
Инглармисан соғинчдан сен ҳам,
Е беписанд кулармикансан?

РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЛИМЛАРИГА НОМЗОДЛAR ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИМОҚДА

Маълумки, келгуси йили юртимида аҳолини рўйхатга олиши тадбири ўтказилади.

Шу муносабат билан ҳозирда жойларда қизғин тайёргарлик ишлари бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 22 июндаги "Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида" Низомга мувофиқ, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча туман ва шаҳарларида рўйхатга олиш бўлимларини ташкил этиш, вазифа-

Ўткир БАКАЕВ,

Шайхонтохур тумани
статистика бўлими бошлиғи.

Эълонлар

"ТОШКЕНТ МИНТАКА" МЧЖ

бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион саводсига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекгиризнергоекуришиш" АҲКнинг 2022 йил 5 июндаги №01-24/970 сонли буюрманомасига асосан, Тошкент вилояти Қиброй тумани ТошГРЕС кўргони Ялончоғ-7 манзилида сақланәтган, 1. КРАЗ 65055 Д/Р 10/418 2007 йил бошлангич баҳоси – 35 087 000 сўм. 2. КРАЗ 65055 Д/Р 10/425 2007 йил бошлангич баҳоси – 35 087 000 сўм. 3. КРАЗ 65055 Д/Р 10/589 2008 йил бошлангич баҳоси – 24 401 000 сўм. 4. КРАЗ 65055 Д/Р 10/416 2007 йил бошлангич баҳоси – 23 392 000 сўм. 5. КРАЗ 65055 Д/Р 10/415 2007 йил бошлангич баҳоси – 23 392 000 сўм. 6. КРАЗ-257Б Д/Р 10/817 1979 йил бошлангич баҳоси – 11 698 000 сўм. 7. МАЗ53366 Д/Р 10/599 1996 йил бошлангич баҳоси – 32 345 000 сўм. 8. МОТОКАТОК ДУ 54 АД/Р 01/EA936 1996 йил бошлангич баҳоси – 5 315 000 сўм. 9. Прицеп ГКБ 8350 Д/Р 10/527 1978 йил бошлангич баҳоси – 13 224 889 сўм. 10. Прицеп ПЛ2012 Д/Р 10/1194 1981 йил бошлангич баҳоси – 14 987 218 сўм. 11. Тико Д/Р 10/661 1996 йил бошлангич баҳоси – 8 362 000 сўм. 12. УАЗ 31514 Д/Р 10/962 1995 йил бошлангич баҳоси – 8 951 000 сўм. 13. БУЛЬДОЗЕР Д3110 Д/Р 01/EA945 1987 йил бошлангич баҳоси – 26 410 000 сўм. 14. БУЛЬДОЗЕР Д3110 Д/Р 01/EA942 1989 йил бошлангич баҳоси – 26 474 000 сўм. 15. ГАЗ 3102583 Д/Р 10/703 2009 йил бошлангич баҳоси – 33 372 000 сўм. 16. ГАЗ 31105 Д/Р 10/293 2005 йил бошлангич баҳоси – 9 550 000 сўм. 17. ГАЗ 5204 Д/Р 10/290 1986 йил бошлангич баҳоси – 41 193 000 сўм. 18.

"ZAMONA RA'NO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР:206336995) бўлиниш йўли билан қайта ташкил этилишини ва Низом жамгармаси 463 164 359.27 сўмгача камайтиришни маълум илди. Кредиторлар ёзсон ОАВда чоп этилган санадан бошлаб ўттис кун ичада Тошкент вилояти Паркент тумани Номданак МФЙ манзили бўйича муроҳат қилишлар мумкин.

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи томонидан Турсунбаева Айнурда Баҳорид кизи номига 2020 йил берилган "Бошлангич синфларда тарбиячи ва спорт мураббий" факультетини битиргандиги ҳақидаги диплом ўйқопланглиги туфайли бекор қилинади.

Ўзбекистон миллый телерадиокомпанияси Марказий аппарати Телевидение ва радиоэшиттириш архив фонди мутахассиси Хакимова Севара Усмонджоновна номига 27.12.2018 йилдан 31.12.2022 йилгача берилган № 2044 рақамили хизмат гувоҳномаси ўйқопланни сабабли бекор қилинади.

2-Тошкент юридик колледж томонидан 2019 йилда Эшимова Чарос Зокир қизи номига берилган К № 5765006 (рўйкат раками-5354) рақамили диплом ва иловаси ўйқопланни сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 19-мавзе 41-йи 118-хонадон эгаси Завидонова Лидия Алексеевна номига 1992 йил 19 декабрда берилган 08-02/3404 рақамили ўй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси ўйқопланни сабабли бекор қилинади.

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ҲУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Акрам ҲАЙДАР, Маҳмуд ТОИР
Ҳабиб МАСИРОВ (бош мухаррар ўрбинбосари),
Райимул СУЯРОВ (бош мухаррар ўрбинбосари).

Сахифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қофоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-747. 1376 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-йи.

Манзили: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.

Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.

Факс – (0-371) 233-09-93.

Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.

e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru

Бахсоли келишилган нарҳда.

Кутлов

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсан!

ҳар бир баърламининг қўтаришни қайфиятга ўтиши унга қўрилган ҳозиралиқ, тўйинчиллик қасб этган гастурхонга ҳам бозалиқ. Бундай тўйинчилликни эса бизга бободекҳоналаримизгина түхфа этиши мумкин.

Бўғун бозор расмалари, сабдо шахобчаларидаги энг сара маҳсулотларининг мўл-кўллиги эътироғга дойиқ. Бу борага мамлакатимизда уруғчилик соҳасига қаратилаётган эътибор ва ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Жорий ишада ҳам Үруғчиликниң рибоғлантириш маркази ДМ Наманган билояти бошқармаси ва унинг туманлардаги ихтинослашган ва элита уруғчилик хўжаликлари томонидан нафқат фермер, деҳқон хўжаликлари томорқа ер эгаларига сара уруғалар етказиб берилади. Ҳамто чөт мамлакатларга ҳам уруғ ҳақспортини ўйлга қўйиш борасига улк қадамлар қўйилади.

Курбон ҳайити арафасида вилоядада ғалла уруғчилиги йўналишида яна бир ютуққа эришилди. Келгуси йил учун қарийб 17 минг тона юқори авлод уруғ захираси бунёд этилди.

Азиз ҳамюрлар!

Сизларни Уруғчиликниң ривожлантириш маркази ДМ Наманган вилояти бошқармаси жамоаси Курбон ҳайити байрами билан муборакбод этади.



Ҳайит айёмлари элларни эзгу амалларга, яхшиликларга, меҳр-муҳаббатга чорлади. Уларни эл-юрт умумхалқ байрами сифатида шоду хуррамлик билан ўтказади. Зоро, инсоният бор экан, бир-бирига яхшиликлар қилишга, бир-бирига кўмаклашишга, бир-бирининг оҳирини енгил қилишга буорилган. Бу юксак инсоний тўйғулар айниқса, ҳайит байрамларида янада теранлик қасб этади.

Биз ҳам айни лаҳзаларда юртдошларимизни, жумладан, Сув ўхжалиги вазирлиги тизимидағи барча ҳамасбларимизни яқинлашиб келаётган

Курбон ҳайити айёми билан чин дилдан табриклаймиз. Илоҳим, доимо юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, сувимиз мўл, халқимиз омон бўлсан!

Мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига барчамиз камарбаста бўлайлик. Бу йўлда сизу бизга омад ёр бўлсан!

Курбон ҳайитингиз билан, Азизлар!

Фарҳоджон ИСОМИДДИНОВ,
Сирдарё-Сўхирригация тизимлари ҳавза
бошқармаси хузуридаги Насос станциялари
ва энергетика бошқармаси бошлиғи.



Босишига топшириш вақти: 21:00
Босишига топширилди: 19:45